

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Муроддуло Тоғаевич Нормуродов  
Қарши давлат университети профессори  
m.normuradov46@mail.ru

Абурайхон Холиқулович Жураев  
Қарши муҳандислик- иқтисодиёт институти катта ўқитувчisi  
a.juraev@rambler.ru

### АННОТАЦИЯ

Республика иқтисодиётини ривожлантириш биринчи навбатда тайёрланаётган кадрлар сифатига боғлиқ. Кейинги йилларда турли тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ушбу масалани долзарблигини яна бир бор исботлади. Олий таълимда таълим сифати талаб даражасига кўтарилиши учун билимли ва юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчилардан ташқари моддий-техник базанинг таъминланганлиги, замонавий ахборот технологияларига асосланган инновацион педагогик технологиялар қўлланилиши, ҳамда олий таълим билан ишлаб чиқаришнинг интеграцияси муҳим омиллардан биридир.

**Калит сўзлар:** модернизация, таълим, тарбия, интеграция, бакалавр, магистр, инновация, педагогик технологиялар, ахборот технологиялари, инновацион технологиялар.